

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 658:336.5(575.1)

ДЖУРАЕВА ГУЛНОЗА ФАХРИДДИНОВНА

**РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ОРҚАЛИ
МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(ХАТБ “Давр банк” Чилонзор туман филиали маълумотлари
асосида)**

5A230102 – “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассислиги бўйича

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Доц. М.Ю. Исаков

ТОШКЕНТ - 2018

Магистрлик диссертация иши долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда реал секторни молиялаштиришнинг назарий асослари, реал сектор корхоналари фаолиятида банк кредитларидан самарали фойдаланиш йўллари, реал секторни барқарорлаштиришнинг истикболли йўналишлари ёритилган. Шунингдек, реал сектор корхоналарини кредитлаш жараёнини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

This dissertation examines the role of lending to the enterprises of real sector by the commercial banks and the problems of their improvement. Also developed practical recommendations and suggestions for lending to the enterprises of real sector by the commercial banks in Uzbekistan. In particular, the statistical indicators of the achieved results in this area are analyzed, the definitions of bank activity and its specificity are given.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.


46 - сонли баённома « 21 » 05 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Исаков М


ИМЗО

16.05.18
сана

Магистр: Джураева Г.Ф.


ИМЗО

16.05.18
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
мудир, доц. И. Хотамов
“21” май 2018 йил



Ҳимоя 2018 йил “25” 06 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ	Реал сектор корхоналари фаолиятини барқарор ривожланишини тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари	10
1.1	Тижорат банкларнинг корхоналар фаолиятини барқарорлаштириш ва молиялаштиришдаги тутган ўрни ва аҳамияти.....	10
1.2	Ўзбекистон Республикасида тижорат банклар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	21
1.3	Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	29
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	35
II БОБ	Реал сектор корхоналари фаолиятини барқарор ривожланишини тижорат банклари орқали молиялаштириш ҳолати таҳлили	37
2.1.	ХАТБ “Давр банки” тавсифи ва реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштириш ҳолати таҳлили.....	37
2.2.	ХАТБ “Давр банк” томонидан реал сектор корхоналари фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича фаолияти таҳлили.....	46
2.3.	ХАТБ “Давр банк” Чилонзор туман филиалида иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнлари таҳлили.....	58
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	68
III БОБ	Реал сектор корхоналари фаолиятини барқарор ривожланишини тижорат банклари орқали молиялаштиришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	70
3.1.	Реал сектор корхоналари фаолиятини барқарор ривожланишини кредитлашда ХАТБ “Давр банк” нинг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш.....	70
3.2.	Реал сектор корхоналарини тижорат банклари томонидан молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари ва ривожлан- тириш истиқболлари.....	79
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	87
	Хулоса ва таклифлар	88
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик бозор ислохотларининг ва Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энгмуҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибийўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида “2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштириш” га алоҳида эътибор берилган¹. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.